

Миллатлараро тотувлик ғояси – умумбашарий қадриятдир.
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессори,Халқаро
Инженерлик академияси ҳақиқий аъзоси, академик Эргашев А.Х.

Ўзбекистон – миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик сиёсати доирасида Халқаро майдонда эътиборга молик, келажаги порлоқ мамлакатдир. Бунинг исботи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида келтирилган миллий масалага тегишли моддаларда ўз тасдиғини топган.

Мамлакатимиз кўпмиллатли давлат бўлиб, ундаги барча миллатлар тенг ҳуқуқли ва барча имтиёزلардан тенг ҳуқуқда фойдаланишади. Шу боис Ўзбекистоннинг миллий сиёсати дунёнинг ҳурматига сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф - одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб ёзиб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар барча миллат ва элатлар вакилларига бирдек тегишли ва улар ҳар куни бу неъматлардан баҳраманд.

Миллатлараро тотувлик бу – турли дунёқараш, манфаат, тил, дин, маълумот, миллатга мансуб одамларни бирлаштирган миллий ғоя атрофидаги уйғунлик, бирлик демак. Ўзбекистонликларни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, деган мақсад бирлаштирмоқда.

Миллий мафкурамизнинг миллатлараро тотувлик тамойили- муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунчадир.

Миллатлараро тотувлик ғояси – умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтака ва давлатлар миллий тараккиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя – бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир. Бу ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнаки,

юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади ҳамда миллий сиёсатни шакллантиради.

Ўзбекистонда миллий сиёсат қуйидаги тамойилларга асосланган:

- миллий тил, урф – одатлар ва анъаналарнинг ҳурмат қилинишини таъминлаш ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш;

- фуқароларнинг эркинликларини, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенглигини таъминлаш;

- ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятига йўл қўймаслик;

- ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма – хиллиги асосида ривожланишини таъминлаш.

Каерда мана шундай шартлар англаб етилмаса, таъминланмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келиб, тинчлик ва барқарорлик ҳавф остида қолиши мумкин. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтакаларида содир бўлаётган миллий низолар бунга далолат. Шундай экан, дунёда ханузгача фашизм, шовинизм, ирқчилик ғояларини тирилтириб, миллатларни бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар борлиги барчамизни ҳушёр тортириши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ошиқ миллат ва элат вакиллари Конституция ва мустақил Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган тенгҳуқуқлик ва кенг имкониятлардан фойдаланиб, тотувлик ва ҳамжиҳатликда яшамокдалар. Улар эртанги кунга қатъий ишонч билан меҳнат қилиб, ягона Ватан равнақиға ўз ҳиссаларини қўшмокдалар.

Республикада Байналмилал маданият маркази мавжуд бўлиб, у 140 дан ортиқ миллий марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди. Миллий маданий марказлар муайян миллатга хос бўлган миллий маданият, тил, урф – одат, анъана ва таомилларни ўрганиш, сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан манфаатдор бўлган Ўзбекистон фуқароларини ихтиёрий равишда бирлаштиради. Ўзбекистон

Республикасида яшовчи турли миллат вакиллари республика ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш Миллий маданий марказлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Мамлакатимизда истикомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллариининг ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, мактаблар ва олий ўқув юртлирида бунга амал қилинаётгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани ҳам бу борадаги самарали фаолиятнинг яққол далилидир. Бундан ташқари (сўнгги маълумотларга қараганда), бугунги кунда олий ўқув юртлирида 35 миллатга мансуб профессор – ўқитувчилар ёшларимизга билим бермоқдалар. Олий ўқув юртлирида 50 дан ошиқ миллатга мансуб талабалар таҳсил олмоқдалар.

Миллий тотувликни сингдириш, халқлар дўстлиги моҳиятини ташвиқот қилиш, миллий қадриятларни ҳурмат қилишни шакллантириш кўпмиллатли халқларнинг тотувлиги ва жипслигини барқарорлаштиради ҳамда янгидан – янги миллатлараро тараққиёт йўлларини очиб беради. Бундай ташвиқотларнинг барчасини миллий маданий марказлар орқали амалга ошириш мумкин. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларда миллий маданий марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш Ўзбекистон Республикасининг шу кундаги сиёсатига айнан мос келади ҳамда давлат тараққиёти ва мустақамлигини оширишга кўмақловчи ижтимоий – сиёсий восита бўла олади. Шу тариқа, масалан, ўзбек ва тожик миллатларининг минг йиллар давомидаги дўстлигини янада ривожлантириш, қолаверса мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликни мустақамлаш Республика Тожик миллий маданий маркази Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимини ташкил этилишига асос бўлган.

Қашқадарё вилоятининг ўзида рус, татар – бошқирд, корейс, араб, туркман ва тожик миллий маданий марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Миллий маданий марказлар бугунги кунда миллатлараро тотувликни янада мустақамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни мустакиллик ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамоатчиликнинг миллатлараро муносабатлари маданиятини ривожлантириш, дўстлик, тотувлик тамойилларини қўллаб – қуватлашга йўналтирилган ташаббусларини мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш каби устувор вазифаларни

амалга оширмоқда. Хусусан, вилоятда яшаб турган турли миллат ва элат вакиллариининг маънавий ва маданий эҳтиёжларини ўрганиш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, байналмилал тарбияни амалга оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар Республика дўстлик ва маданият фестивалида мунтазам иштирок этиш билан бир каторда, ўз миллатлари урф – одатларини намоёниш этмоқдалар.

Миллатлараро ва динлараро тотувлик жамиятнинг ўз – ўзидан юзага келувчи ҳолати бўлмай, Ўзбекистон давлатининг миллий сиёсати натижасидир. Ҳалқаро демократик тамойилларга мувофиқ келувчи, республика фуқароларининг тенг ҳуқуқлиги барча муаммоларни ҳал этувчи қонунлар базаси ҳам миллатлараро тотувликни сақлашга кўмаклашмоқда.

Мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик ғояси илгари сурилгани ва амалда унга эришилгани Ўзбекистон Республикаси ривожига, ички ва ташқи сиёсатни юритишда қўлга киритилган энг катта ютуқлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси ўтказётган миллий сиёсатнинг энг муҳим устувор йуналиши барча миллатларнинг равнақи учун тинч шароит ва имконият яратиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бу соҳада кейинги йиллардаги энг катта ютуғимиз – умумий уйимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликдир. Ўтган 25 йил давомида миллатлараро маънавий – маданий, ғоявий – мафкуравий муносабатлар эркинлиги ва маданиятлараро толерантлик сиёсий – ҳуқуқий ва ташкилий жихатдан таъминланди ва амалий татбиқ этилди.

Шу кунларда мамлакатимиз раҳбарияти миллий масалани оқилона, ҳалқаро тамойилларга мос йўл билан ечиш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш чора-тадбирларини кўрмоқда. Бу борада конституциявий талаблар асосида иш тутилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган миллатлар тотувлиги ва бағрикенглик тамойилларига асосланган ислохотлар самараси тинчлигимиз, фаровонлигимиз ва ижтимоий – сиёсий барқарорлигимизда ўз аксини топган.